

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ  
КОСОНСОЙ ТУМАНИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ, КОСОНСОЙ ТУМАНИ,  
ХУДОЙБЕРДИЕВ МФЙ ДАГИ  
СОБИҚ МАДАНИЯТ КУЛУБИ БИНОСИ  
ЎРНИДА “KOREAN MARU” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ  
ТОМОНИДАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР ДАМЛАМАСИ  
ТАЙЁРЛАШ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, КУТУБХОНА,  
СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНИ ВА ФИТОБАР  
ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТУЗИЛГАН

# БИЗНЕС РЕЖА

Наманган вилоят Косонсой тумани,  
Худойберидиев МФЙ



Лойиҳа қиймати

9 000,0 млн. сўм

*Шундан;*

Ўз маблағи

7 000,0 млн. сўм

Кредит маблағи

2 000,0 млн.сўм

Косонсой – 2019 йил

➤ Тижорат сирини ошкор этмаслик келишуви .....	2
➤ нинг кискача шархи .....	3
➤ Бизнес нинг тавсифи .....	8
➤ Кириш .....	9
➤ нинг умумий шархи .....	10
➤ Лоиханинг стратегик мазмуни ва мақсади .....	12
➤ ташаббускори хақида кискача маълумот .....	16
➤ нинг амалга ошириш графиги .....	18
➤ Ишлаб чиқариш кувватлари .....	21
➤ Ишчи кучи ресурлари ва уларга булган талаб .....	22
➤ Энергия ресурлари сарфи .....	25
➤ Фаолиятнинг маркетинг таҳлили .....	27
➤ SWOT (АЗИТ) таҳлили .....	31
➤ Маркетинг стратегияси ва дастури .....	33
➤ Умуминвестицион харажатлар ва молиялаш манбаалари .....	35
➤ Махсулот ишлаб чиқариш режаси .....	36
➤ Хом ашё ва моддий ресурслар сарф – харажатлари .....	37
➤ Ишчи кучи сарф харажатлари .....	39
➤ Энергия ресурслари сарф харажатлари .....	42
➤ Амортизация ажратмалари .....	45
➤ Ялпи харажатлар ҳисоби .....	46
➤ Кредитни қайтариш режаси .....	47
➤ Даромадлар, харажатлар ва фойда ҳисоби .....	48
➤ ПУЛ ОКМИ ВА ДИСКОНТЛАНГАН ПУЛ ОКМИ .....	49
➤ Хулоса .....	50
➤ Фойдаланилган адабиётлар .....	51

## МАХФИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МЕМОРАНДУМИ

Ушбу бизнес режа **“KOREAN MARU”** хусусий корхонаси буюртмаси асосида тайёрланган бўлиб, йулга кўйилиши режалаштирилаётган лойиҳанинг молиявий–иктисодий, ташкилий ва маркетинг тахлилларини ўз ичига олади.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотлар корхона раҳбари ва унинг келгусидаги иш фаолиятини акс эттириб махфий характерга эга. Ушбу хужжат **“KOREAN MARU”** хусусий корхонаси мулки хисобланади ва уни тасарруф этиш ундаги маълумотларни бошка шахсларга ошкор этиш муассаса раҳбари ихтиёридадир.

Ушбу хужжатда келтирилган маълумотларни корхона раҳбарининг ёзма розилигисиз тасарруф этиш, бошка шахсларга сотиш ёки такдим этиш, нусха кучириш ёки ошкор этиш катъиян маън этилади.

Қуйида имзо чекувчилар юкоридаги талабларга розилик билдириб, ушбу хужжат ва унинг таркибини сир саклаш, таркатмаслик ва маълумот эгаси – **“KOREAN MARU”** хусусий корхонасининг илк талаби билан уни эгасига қайтаришни ўз зиммасига олади.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у.

Ф.И.Ш \_\_\_\_\_ ИМЗО \_\_\_\_\_

м. у.

## **ЛОЙИХАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРХИ**

---

**ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ: “KOREAN MARU” хусусий корхонаси**

**ЛОЙИХАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААСИ:** Молиявий тизимида ташаббускорнинг ўз маблағлари ва кредит маблағлари ҳисобидан

**ЛОЙИХА ИЖРОЧИСИНИНГ ЮРИДИК МАКОМИ:**

**МУАССАСАНИНГ РЎЙХАТДАН ЎТГАН САНАСИ ВА ГУВОХНОМА РАКАМИ:** 09.07.2010 йил, Реестрдаги тартиб раками № 145, Гувоҳнома № \_\_\_\_\_ Асос: Наманган тумани Давлат хизматлари марказининг № 249 сонли гувоҳномаси

**МУАССАСАНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:** Наманган вилояти, Наманган тумани, Хонобод, Қоратепа МФЙ

**БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:** АТБ “Infinbank” Наманган филиали х.р 20208000605010973001  
МФО 01113, СТИР (ИНН): 301655814, Тармоқ коди (ОКОНХ):19733

## **БИЗНЕСНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ**

---

Маълумки, дунё миқёсида фармацевтика саноати ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг тахминан 50-60 % доривор ўсимликлар хом-ашёсидан тайёрланмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам фармацевтика саноатининг жадалривожланиши доривор ўсимликлар хом-ашёсига бўлган талабни кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жиозки, республикамизда табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар захираларининг чегараланганлиги туфайли фармацевтика саноати корхоналарининг доривор ўсимликлар хом-ашёсига бўлган талабини, асосан, доривор ўсимликлар етиштириш орқалигина қондириш мумкин. Аммо, доривор ўсимликларни етиштириш технологияси маълум агрономик ва агрохимик, биологик, экологик, ботаник ва бошқа билимларни умум методологик қиодаларни билиш зарарлигини тақозо этади.

Ҳозирги вақтда доривор ўсимликлар мамлакатимизнинг ихтисослашган, фермер, ўрмон, деҳқон ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларида етиштирилмоқда. Лекин, уларни етиштириш ва етиштириш технологиялари мукамал ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, айрим ечилиши ва ишлаб чиқилиши лозим бўлган муаммоларни келтириб чиқилмоқда. Шу боис, ҳам фармацевтика саноатини сифатли, мўл, таннархи арзон ва экологик

соф хомашё билан таъминлаш долзарб вазифалардар бири бўлиб қолаверади. Бу ҳолат, албатта, доривор ўсимликлар хом-ашёси етиштириш билан шуғулланувчи хўжаликларни доривор ўсимликлар етиштириштехнологияларини пухта эгаллаган мутахассислар билан таъминлашни тақозо қилади. Мазкур курсда доривор ўсимликларнингҳаётий шакли, ботаник тавсифи, морфологияси, тарқалиши, кимёвий таркиби, тиббиётда қўлланиши, етиштиришнинггфор технологиялари ҳақидаги атрофлича фикр мулоҳазалар юритилади. Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси кишлок хўжалигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, фармацевтика саноати ҳамда дорихоналарни сифатли шифобахш ўсимликлар хом-ашёси билан таъминлашда асос бўлиб хизмат қилади. Маълумки, кишлок хўжалиги ишларининг мавсумийлиги сабабли ҳар бир тур усимликка агротехника тадбирларни аниқ белгиланган муддатларда етказиш лозим. Иқлим (об-ҳаво) шароитининг кескин континенталиги ва тупроқ шароитларининг бир биридан фарқ қилиши ҳамда бошқа кўп омиллар доривор ўсимликлар етиштириш технологиясини ишлаб чиқишда назарий ва амлий билаим уйғунлигини тоқозо қилади.

Мустақилликгача республикамизда фармацевтика саноати ва дорихоналарни доривор ўсимлик хом-ашёси булган талабини қондириш мақсадида ихтисослашган ўрмон хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликлар ( 42 тагача) фаолият кўрсатган. Россия Федерацияси, Украина, Молдова, Миср, Араб Республикаси ва бир қатор мамлакатларда доривор ўсимликларни етиштириш билан шуғулланувчи хўжаликлар нисбатан кўпроқ ва яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришилгандан сўнг фармацевтика саноати жадаллик билан ривожлана бошлади.

Ҳозирги вақтда бундай корхоналарнинг сони 70 тадан ортиқдир.1 Фармацевтика саноати корхоналари дори воситаларининг тахминан 50-60 % доривор ўсимликлар хом-ашёсидан тайёрланаётганлигини ҳисобга олсак, доривор ўсимликларниетиштириш технологияси нақадар катта аҳамият касб этишини тасаввур қилиш қийин. Шу сабабли ҳам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан ҳозирги вақтда мамлакатимизда доривор ўсимликлар етиштириш билан шуғулланувчи 6 та ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилинган. Бундан ташқари кўплаб ўрмон, фермер ва бошқа мулкчилик шаклидаги хўжаликларда ҳам доривор ўсимликлар етиштирилмоқда. Аммо, мамлакатимизда доривор ўсимликлар хом-ашёсига бўлган талабнинг кескин ортиб боришига қарамасдан уларни етиштириш ва етиштириш технологиялари шу вақтгача мукамал ишлаб чиқилмаган.

Доривор ўсимликларни етиштириш технологияси- ўсимликшунослик, ботаника, фармокогнозия, агрокимё, тупроқшунослик, ўсимликлар физиологияси, ўсимликлар биокимёси, ўсимликлар биотехнологияси, кимё, физика ва бошқа фанларнинг ютуқларига таянган ҳолдагина ўз олдига қўйган мақсадларга эриша олади. Lama Y.C., S.K. Ghimire and Y. Aumeeruddy-Thomas. Medicinal Plants of Dolpo: Amchis' Knowledge and Conservation. WWF Nepal Program, Kathmandu. (2001) 4-6 p Маълумки, ҳар бир фаннинг ўзига хос методлари — услублари мавжуд. Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси юқорида кўрсатилган барча фанларнинг услубларига таянган ҳолдагина тараққий эта олади. 1.2. Доривор ўсимлик дехкончилиги.

Ер юзида доривор ўсимликларнинг 10—12 минг тури бор. 1000 дан ортиқ ўсимлик турларининг кимёвий, фармокологик ва дориворлик хоссалари текширилган. Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 577 тури мавжуд. Шулардан ҳозирги вақтда 250 тури илмий таботатда ишлатилмоқда. Доривор ўсимликларнинг организмга таъсири уларнинг таркибидаги бирикмаларнинг миқдорига боғлиқ. Бу бирикмалар ўсимликнинг ҳар хил қисмларида турли миқдорда тўпланади. Дори тайёрлашга ўсимликнинг керакли қисмлари турли муддатларда йиғилади.

Масалан, пўстлоқ, куртак эрта баҳорда, барг ўсимлик гуллаши олдида ёки гуллаганда, гуллари тўла очилганда, мева ва уруғлари пишганда, ер ости органлари (илдизи, илдизпояси ва пиёзи) эрта баҳорда ёки кеч кузда олинади. Доривор ўсимликларнинг таъсир этувчи моддаси — алколоидлар, турли гликозидлар (антрогликозидлар, юракка таъсир этувчи гликозидлар, сапонинлар ва б.), флавоноидлар, кумаринлар, ошловчи ва бошқа шиллик моддалар. Эфир мойлари, витаминлар, смолалар ва бошқа бирикмалар бўлиши мумкин.

Кўп ўсимликлардан микроорганизм ва вирусларни йўқотадиган антибиотиклар ва фитонцидларга бой препаратлар тайёрланади. Одатда бир гуруҳга хос ўзаро яқин кимёвий бирикмалар бир оила ёки туркумга мансубларда учрайди, шу билан бирга баъзи кимёвий бирикмалар бир-бирига яқин бўлмаган, турли оилага мансуб ўсимликлар таркибида ҳам бўлиши мумкин. Қадим замондан бошлаб инсон ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларни турли касалликларни даволашда фойдаланиб келади. Ҳозирги даврда доривор ўсимликларни тури кўпайиб, халқ тиббиёти шифобахш ўсимликлар билан бойиган.

Илмий таботатда ишлатиладиган доривор ўсимликларнинг аксарияти асрлар давомида халқ ишлатиб келган ўсимликлардан олинган. Халқ

медицинасида қўлланиб келинадиган доривор ўсимликларни илмий таботатда ишлатиб бўлмайди. Ўзбекистонда доривор ўсимликлардан кўпроқ анор, аччикмия, бодом, доривор гулхайри, ёнғоқ, жағ-жағ, зубтурум, исирик, итсигек, омонқора, писта дарахти, сачратқи, чойўт, шилдирбош, ширинмия, шувоқ, янтоқ, қизилча, қоқиўт ва бошқалар тарқалган.

Аччикмиядан — пахикарнин, исирикдан гармин, итсигекдан анабазин, омонқорадан галантамин, шилдирбошдан сферофизин алколоидлари олинади. Анор пўстидан гижжа ҳайдовчи пельтерин танат ва экстракт тайёрланади. Доривор гулхайри препаратлари балғам кўчирувчи ва юмшатувчи, жағ-жағ ва лагохилус дорилари қон кетишни тўхтатувчи, писта бужғуни ва чойўтдан тайёрланган дорилар меда-ичак касалликларини даволовчи сифатида ишлатилади. Доривор ўсимликларни 2 хил тавсифлаш қабул қилинган: 1. Таъсир қилувчи моддаларнинг таркибига қараб — алколоидли, гликозидли, эфир мойли, витаминли ва бошқалар; 2. Фармокологик кўрсаткичларига қараб — тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатувчи, шунингдек, юрак-томир тизимига таъсир қилувчи, марказий нерв тизимини кўзғатувчи, қон босимини пасайтирувчи ва бошқа доривор ўсимликлар. Тошкент кимё-фармацевтика заводларида Ўзбекистонда ўсадиган ва экиб ўстириладиган доривор ўсимликлардан турли-туман дорилар тайёрланади. Масалан, оққурайнинг илдизи ва мевасидан песни даволашда қўлланиладиган псорален, япон софораси ғунчасидан витамин А дек таъсир этувчи рутин, омонқорадан галантамин алколоиди, кендордан строфантин, цимарин, юрак гликозидлари ва бошқа препаратлар олина бошланди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳозирги вақтда тиббиётда 250 га яқин ўсимликларнинг маҳсулотидан фойдаланилади. Шу кўрсатилган доривор ўсимликлар маҳсулотининг 48% табиий ўсимликлардан, 30% турли тупроқ иқлим шароитида жойлашган хўжаликларнинг доривор ўсимликлар ўстириладиган майдонларида тайёрланади. Қолган 22% „аралаш“ гуруҳни ташкил қилади, яъни бу гуруҳ доривор ўсимликлар маҳсулоти ҳам ёввойи ҳолда ҳам плантацияларда ўсадиган, ўсимликлардан йиғилади. Кейинчалик „аралаш“ гуруҳ доривор ўсимликлардан тайёрланадиган доривор маҳсулотларнинг салмоғи умумий йиғиладиган доривор маҳсулот миқдорида йил сайин ошиб бориши кутилмоқда.

Қандай сабабларга кўра суғориладиган майдонларда ўстириладиган доривор ўсимликлар маҳсулоти йил сайин умумий тайёрланадиган маҳсулотлар миқдоридан кўпайиб бормоқда? Бунинг сабаблари кўп бўлиб, асосийлари қуйидагилардан иборат: 1. Йил сайин доривор ўсимликлар

махсулотига эҳтиёж ўсиб бориши натижасида уларнинг хомашёсини тайёрлаш миқдори ҳам кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида қатор доривор ўсимликларнинг кўп ўсадиган жойида камайиб кетишига, натижада уларнинг хом-ашёсини тайёрланишини кескин чегараланиши ёки бутунлай тўхтатилишига олиб келиши.

Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган бозулбанг ва қорақовуқларнинг ер устки қисми ва пиёзининг кўп тайёрланиши натижасида уларни захираси (миқдори) табиий ўсиш жойида жуда ҳам камайиб кетди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда бу ўсимликлар Ўзбекистон „Қизил китобига“ киритилди. Шунинг учун уларнинг табиий хомашёсини ўсиш жойида тайёрлаш тўхтатилди ва хўжалик далаларида ҳамда ўзларини ёввойи ҳолда ўсадиган жойларида ўстирилмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. 2. Доривор ўсимликлар маҳсулотига мунтазам равишда талабнинг ошиб бориши ва уни ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар ҳисобига қондирилмаслиги натижасида шу ўсимликларни суғориладиган минтақаларда етиштиришга тўғри келмоқда. 2.3. Баъзан камёб доривор ўсимликларга талаб катта бўлса-ю, лекин улар ёввойи ҳолда, йиғиш учун ноқулай жойларда (масалан, Кавказ ва Қримнинг тоғли туманларида ўсадиган белладонна ва бошқалар) ёки кам миқдорда, катта ҳудудларда тарқоқ ҳолда (масалан, Россиянинг Европа қисмида кенг тарқалган, лекин сийрак учрайдиган доривор валериана ва бошқалар) ўсса, бу доривор ўсимликлар маҳсулотини тайёрлаш суғориладиган ерларда етиштиришдан қимматга тушади.

Шунинг учун бундай ўсимликларни ҳам хўжаликлар далаларида етиштириш мақсадга мувофиқ булади. 4. Табиий ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар хомашёсини катта ҳажмда тайёрлашнинг қийинчилиги, уни йиғиб олиш учун кишлокхўжалик техникасидан фойдаланишнинг мураккаблиги. Плантацияда ўстириладиган доривор ўсимликлар маҳсулотини қулай шароитда ва таъсирчан кимёвий биологик фаол моддалари кўп тўпланган даврда турли механизмлар ёрдамида йиғиб олиш мумкин. 5. Қимматбаҳо, тиббиёт учун жуда зарур бўлган доривор маҳсулот республикамизда учрамайдиган тропик ёки субтропик иқлимли давлатларда ўсадиган ўсимликлардан тайёрланадиган бўлса, имкони борича шу ўсимликларни ўзимизда етиштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Янгидан экилиши керак бўлган доривор ўсимликлар агротехникаси ВИЛР ҳамда унинг тажриба станцияларида, қисман фанлар академияси (ФА), университетлар ва олий ўқув юртларининг ботаника боғларида ишлаб чиқилмоқда. Бу соҳада ВИЛР ва унинг тажриба станцияларини хизмати катта



бўлиб, уларда чет элдан келтирилган бир қанча тропик ва субтропик доривор ўсимликларни МДХ иқлимида етиштиришнинг агротехника қоидалари ишлаб чиқилган. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида (зоналарида) жойлашган хўжаликларида қуйидаги доривор ўсимликлар ўстирилмоқда: хин дарахти, алоэ турлари, ортосифон, сано (кассия) турлари, мексика бангидевонаси, каланхоэ турлари, уятчанг мимоза, тўқ қизил пассифлора, раувольфия турлари, пушти катарантус (бўригул), юмалоқ баргли стефания, эвкалипт турлари, бўлакчи итузум ва бошқалар. 2Lama Y.C., S.K. Ghimire and Y. Aumeeruddy-Thomas. Medicinal Plants of Dolpo:Amchis' Knowledge and Conservation. WWF Nepal Program, Kathmandu. (2001) 13-18 p Суғориладиган майдонларда ўстириладиган доривор ўсимликлар ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлардан катта фарқ қилади, яъни ўстириладиган доривор ўсимлик маҳсулотида бегона ўсимликлар аралашмаси бўлмайди.

Агротехника қоидалари асосида ўстирилган доривор ўсимликлар серҳосил ва биологик фаол моддаларга бой бўлади. Доривор ўсимликларни серҳосил навларини танлаб олиш, уларни чатиштириш ёки полиплоидли (хромосом сонларини ошириш) навларини олиш йўли билан экиладиган доривор ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ва таркибидаги биологик фаол бўлган кимёвий бирикмалар миқдорини ошириш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, баъзи бир ўсимликларни етиштириш ва уларнинг маҳсулотларини тайёрлаш ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликлар маҳсулотини йиғишга қараганда иқтисодий жиҳатдан анча арзонга тушади. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар асосан турли тупроқ иқлим ҳудудларида жойлашган Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигига қарашли хўжаликларда экилади.

Ўзбекистон Республикасида биринчи марта 1973 йилда Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги хўжаликларда доривор ўсимликлар экила бошлади. Кейинроқ (1978 йилда) Наманган вилояти Поп туманида Ибн Сино номли доривор ўсимликлар ўстириладиган хўжалик ташкил қилинди. Бу хўжалик далаларида қалампир ялпиз, доривор мармарак (маврак), доривор тирноқгул, наъматак, аччиқ шувок (эрман), бўлакчи итузум, майда гулли тоғрайхон ва бошқа ўсимликлар ўстирилган.

Улардан йиғилган маҳсулотлар Ўзбекистон дорихоналарини таъминлаш учун ҳамда Чимкент кимё-фармацевтика заводи ва бошқа корхоналарга жўнатилган. Ҳозирги кунда доривор ўсимликларни ўстириб етиштирадиган махсус хўжаликлар Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида ташкил қилинган.

Республикамизнинг қарийб ҳамма вилоятларидаги „Фармация“ ишлаб чиқариш бирлашмалари қошида доривор ўсимликлар ўстирадиган майдончалар ташкил қилинган бўлиб, уларда вилоят дорихоналар талабига биноан тегишли ўсимликларни ўстирмоқдалар.

Ҳозирги кунда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги доривор ўсимликларга ихтисослашган Охунбобоев номли ихтисослашган хўжалик далаларида қалампир ялпиз, доривор мармарак (маврак), доривор тирнокгул, доривор мойчечак, беш бўлакли итузум - арслонқуйрук, пол-пола, наъматак ва бошқа доривор ўсимликлар ўстирилмоқда. ЎзР ФА га қарашли Тошкент ботаника боғининг собиқ катта илмий ходими Қ. Ҳ. Хўжаев, кейинчалик шу боғнинг доривор ўсимликларни маданийлаштириш ва иқлимга мослаш лабораториясининг мудирини, катта илмий ходим Ю. М. Мурдахаев Тошкент фармацевтика институти фармакогнозия ва ботаника кафедраларининг илмий ходимлари билан ҳамкорликда қардош республикалари ҳамда дунёнинг бошқа ҳудуд (регион)ларидан келтирилган 67 турдаги доривор ўсимликларни Тошкент шаҳри иқлимида етиштиришга эришдилар.

Уларнинг фикрларича, юқорида тирнокгул, қалампир ялпиз, доривор мармарак (маврак), доривор валериана, фенхель (дорихона укропи), доривор мойчечак, қора андиз, ажгон (зираи кармони), арпабодиён, оддий дастарбош, наъматак турлари, бутасимон аморфа, қизил ангишвонагул, ёйиқ эризимум, кендир турлари, Кавказ ямси, Манъчжурия аралияси, тоғ жумрут, сано (кассия) турлари, патриния, тухумак, беш бўлакли арслонқуйрук, доривор зангвизорба, ярим бутасимон секуринегга, бўригул турлари, қорақобик турлари, белладонна, мексика бангидевонаси, пол-пола, бўлакли итузум, гангитувчи бузулбанг ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш мумкин. Ҳозирги кунда табиий ҳолда ўсаётган доривор ўсимликларни захиралари инсонлар таъсирида камайиб бормоқда. Бунинг ўрнини тўлдириш ва халқимиз эҳтиёжини қондириш мақсадида доривор ўсимликлар турларини кўпайтириш ва уларни Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда суғориладиган минтақаларда экиб етиштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистонда фармацевтика саноатини доривор ўсимликлар хомашёси билан таъминлаш мақсадида яқин йиллар ичида доривор ўсимликларни экиб ўстирадиган фермер ва ихтисослашган хўжаликларни ташкил қилиш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди

---

## ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ

Лойиҳани амалга ошириш уч боскичдан иборат: 1–боскич: Тайёргарлик ишларини ташкил этилиши, Вакт оралдиги: 1 – 2 ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** ни амалга ошириш учун зарурий маблағ ва капитал ресурс манбаларини аниқлаш, лойиҳанинг иктисодий ҳисоб китоблари, техник иктисодий асоси ва бизнес режасини ишлаб чиқиш. лойиҳа сметасини аниқлаш. Хом ашё ва товар моддий ресурслар сотиб олиш учун маҳсулот етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар ва келишув баёнлари тузиш, ундан ташқари маҳаллий корхоналар ва бошқа ташкилотлар билан фаолият йўлга қўйилгандан кейин зарур булган маҳсулотлар ва буюмлар етказиб бериш буйича келишувлар олиб бориш. Банк молия муассасаларига ушбу ни амалга ошириш учун зарурий маблағ суммаси ва самарадорлигини асословчи ҳужжатлар билан белгиланган тартибда муурожаат этиш ва зарурий ҳолатда кредитни ушлаштириш.

2 боскич: Таъмирлаш ишлари ва инвестицияни ушлаштириш: Вакт оралдиги: 3-4- ойлар.

**Қилинадиган ишлар:** Лойиҳада ажратилган маблағларни ўшлаштириб кўзда тутилган барча ишларни амалга ошириш, таъмирлаш ишларини яқунлаш, асосий воситалар, ускуналар, моддий ресурслар ва шартнома асосида ишлайдиган ишчиларни топиш.

3-боскич: Нормал иш фаолиятининг йўлга қўйилиши.

**Қилинадиган ишлар:** доривор шсимликларни уруглари экиш ва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулот сотишда тушган тушумлар, даромад ва харажатларни ҳисобини юритиш ва самарали иш фаолиятини ташкил этиб, олдиндан кўзда тутилган техник иктисодий асос бўйича хўжалик фаолиятини самарали юритиш ва ривожлантириш.

Ушбу лойиҳани ишлаб чиқиш 2019 йилнинг биринчи чорагида бошланганлигини ҳисобга олиб йил якунига қадар барча ташкилий чора – тадбирларни амалга ошириш ва ташклиий ишларни яқунлаш. Корхона фаолиятида энг катта эътибор маҳсулот тайёрлашда юқори сифатга эришиш.



## ЛОЙИХАНИНГ СТРАТЕГИК МАЗМУНИ ВА МАҚСАДИ



Лойиҳанинг асосий мазмуни аҳолини доривор ўсимликлар димламаси билан таъминлаш ва маҳсулотлар бозорида ўз мавқеига ва рақобат афзалликларига эга бўлиш, ўзини молиявий салоҳияти ва фойдасини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Лойиҳа Косонсой туман ҳудудида фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш фаолиятини иқтисодий самарадорлигини изохлаб бериш ҳамда ушбу фаолиятни амалга ошириш учун зарур маблағларини жалб этиш учун ишлаб чиқилди.

Ушбу бизнесни бошлаш учун асослар.

Биринчидан, ушбу турдаги фаолиятни ташкил этишда ҳудудда аҳолини доривор ўсимликлар димламасига бўлган талаби юқори бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотга талаб юқори ҳисобланади. Иккинчидан, ушбу маҳсулотларга қўшни туман ва шаҳарларда ҳам юқори талаб ва эҳтиёж мавжуд эканлиги сабабли маҳсулот бозорида барқарор ўсиб боровчи юқори талабни мавжуд эканлиги сабабли юқори фойда олишга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Лойиҳа асосан мамлакатимизда аҳоли ва қурилиш корхоналарнинг талабини қондириш орқали фойда олиш, корхона маҳсулот сифатини жаҳон меъёрлари ва стандартлари даражасига етказиш, уни давр талаби ва истеъмолчилар эҳтиёжи даражасида айланма маблағлар фондини ташкил этишни кўзлайди.

Стратегик жихатдан лойиҳачи ўз олдига юқорида айтиб утилган барча мақсадларга эришишни ва лойиҳа даврида (5 йил) тулакони тухтовсиз ишловчи комплексни яратиш, ишчилар учун энг қулай ва ижтимоий жихатдан энг маъқул муҳитни яратишни ва ҳудуд аҳолиси учун юқори сифатли ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш базасини яратишни мақсад қилиб қўяди. Корхона ушбу мақсадларга эришиш орқали мамлакатимизда ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга ўз хиссасини кўшиш ва шу муддат ичида вилоятимизда етакчи уринлардан бирини эгаллашни, истикболда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб соҳанинг етакчиларидан бирига айланишни ва соҳага кўшимча инвестициялар олиб киришни режа қилган.

Келгусида хўжалик олдига қўйган барча мақсадларга эришиб, келгуси беш йилликда йирик хўжалик сифатида маҳсулотлар бозорида кўзга кўринган корхоналардан бирига айланиб, бозорнинг 20-25 % ортиқроқ улушини эгаллашни. Ун йилдан сўнг эса бу кўрсаткични кўшимча инвестициялар жалб қилиш; етук ва малакали кадрлар тайёрлаб, улар тажрибасига ва инновацион технологияларни қўллаш, истеъмолчилар ва бозор талабларини мунтазам ўрганиб бориб 40 % гача етказишни ўз олдаги истикболли режалардан бири қилиб белгилайди.

## ЛОЙИҲАНИНГ АСОСИЙ ТАЪСИСЧИЛАРИ



Наманган вилояти, Наманган шаҳар, Машъал МФЙда истикомат килувчи Ўзбекистон Республикаси фукароси Ибрагимов Мурод (Паспорт серияси: АА № 5913077, 24 июнь 2014 йилда Наманган вилояти, Наманган шаҳар ИИБ томонидан берилган)

Хусусий корхонанинг устав фонди минг сумдан иборат бўлиб, таъсисчилар уртасида тенг миқдорда тақсимланган.

## ЛОЙИҲАНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ ГРАФИГИ

№	Амалга ошириладиган тадбирлар	2019 йил		
		Январь	Февраль	Март
1	Бизнес режа ишлаб чиқиш			
2	Дарахт кўчатлари ва зарур уруглик материаллари сотиб олиш учун шартнома имзолаш			
3	Амалга ошириладиган қурилиш ва ер тайёрлаш учун смета ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш			
4	Қурилиш ва ер тайёрлаш ишларини амалга ошириш			
5	Повлония кучатларини экиш			

## **ХОМ – АШЁ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Мазкур фаолият тури учун хом – ашё ресурси сифатида ер унумдорлиги, маҳаллий ва минерал ўғитлар, техника хизмати, ёнилғи мойлаш материаллари сув ва ишчи кучини айтиш мумкин. Мазкур режада хом – ашё ресурслари куйидаги нархларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинishi режалаштирилган:

## **ИШЧИ КУЧИ РЕСУРЛАРИ ВА УЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Ушбу бўйича ишчи кучи ва ходимларга бўлган талаби 50 тани ташкил қилади. Шундан маъмурият ходимларининг сони 2 тани ташкил қилиб, қолган 48 киши маҳсулот етиштириш ва хизмат кўрсатиш жараёнида иштирок этади. Маъмурий ходимлар таркиби корхона раҳбари, бош бухгалтер ҳисобланади. Ишчиларнинг иш вақти 8 соатлик иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 17:00 гача

## **ЭНЕРГИЯ РЕСУРЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ**

Юқорида таъкидлаб утилганидек ташкил этилиши мулжалланаётган хўжалиқда барча энерготаяминот тизимларига уланиш имконияти мавжуд. Электр ресурсларига уланиш смета лойиҳасида кўзда тутилган.

Ўрта ҳисобда ичимлик сув сарфи асосан ишчи ходимларни ичимлик таъминоти учун сарфланади. Суғориш мақсадлари учун эса оқова сувлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Электроэнергия сарфи асосан биноларни ёритиш учун сарфланади. Шу сабабдан корхонанинг кунлик электроэнергия ресурсларига бўлган талаби **96 кВт** ва йиллик сарф миқдори **29952 кВт.ни** ташкил этади.

Электроэнергия ва бошқа ресурслар таъминотининг зарурий миқдори йилдан йилга ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши ёки усқуналарни жисмонан ва маънавий эскириши ҳисобидан ошиб бориши тахмин қилиниб, ошиб бориш кўрсаткичи 0,5 га тенг (яъни 5 %) деб олинди.

## **ФАОЛИЯТНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ**

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган барча ислохотлар туб негизи аҳолини ижтимоий – иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни турмуш тарзини яхшилашга қаратилган. Ҳозирги вақтда ҳар бир соҳа ривожланиши ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бозор иқтисодини асосий талабидир. Корхона ўз имкониятларидан ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятни ривожлантиришни режалаштирган. Бунинг учун айрим изланишлар ва талабларни ўрганиш орқали амалга оширилиши кўзланган.

Шунинг учун бозор шароитини ўрганишда маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўлган талабни мавжудлигини аниқлашда бир қатор изланишлар олиб боради.




Маблағини ўзлаштириш орқали хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш билан қуйидаги талабларни қондириш режалаштирилмоқда:

-Кўпчиликка манзур бўладиган арзон, сифатли ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

-Реклама асосида аҳоли, қурилиш ташкилотлари ва муассасаларга таклиф қилиш ва буюртмачи талабини тўлақонли қондириш;

-Мижозларни талабини қондиришда имтиёзлар ва уларни рағбатлантиришни режалаштириш.

### КОРХОНА ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ФАОЛИЯТНИ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИ ТУШУНЧАСИ



## БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ



- 1) Наманган вилояти    2) Қўшни вилоятлар    3) Қўшни Давлатлар

## ХУДУДАГИ РАҚОБАТЧИЛАР ТАХЛИЛИ

Рақобатчилар маҳсулоти	сифат	Хусусияти	Самарадорлиги	Қулайлиги	Савдо шартлари	.....
А..... маҳсулоти						
В..... маҳсулоти						
С..... маҳсулоти						
Бизнинг маҳсулот						

## МАРКЕТИНГ МАТРИЦАСИ

№	Мазмуни	Сегмент 1	Сегмент 2	Сегмент 3
1	Мижозлар тавсифи	Наманган шаҳар	Қўшни туманлар	Қўшни вилоятлар
2	Истеъмол хажми	80 %	10 %	10 %
3	Истеъмолчиларнинг географик жойлашуви	Наманган шаҳар	Қўшни туманлар	Қўшни вилоятлар
4	Маҳсулотга талабнинг камайиши, купайиши ёки барқарорлиги	Барқарор	Кўпаяди	Кўпаяди
5	Маҳсулотни харид қилиш қобилияти	Юқори	Ўрта	Ўрта
6	Маҳсулотни истеъмолчиларга жалб этиш	Қулай нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат	Қулай нарх ва сифат



## SWOT TAHLIL

<p style="text-align: center;"><b>S</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Кучли томони</b></p> <p>Бизнес учун жуда кулай худудда жойлашган+ Маҳсулотга бўлган талабнинг мавжудлиги ++ Зарурий технологияларни мавжудлиги+</p>	<p style="text-align: center;"><b>W</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Кучсиз томони</b></p> <p>-Кучли брендга эга эмаслиги++</p>	<p>Кучли томонлар 3 та Кучси томонлар 1 та <b>S&gt;W</b></p> <hr/> <p>++<b>S</b> 3 та ++<b>W</b> 1 та</p> <hr/> <p>++<b>S&gt;++W</b></p>
<p style="text-align: center;"><b>O</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Имкониятлар</b></p> <p>Тадбиркорлик фаолиятига берилаётган имконият ва имтиёзлар ++ Маҳсулот турини кенгайтириш+ Хом ашё ресурсларини бозор нархидан арзон олиш имконияти мавжудлиги</p>	<p style="text-align: center;"><b>T</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Хавфлар</b></p> <p>Кучли ракобатчиларнинг пайдо булиши+ Тўлов қобилиятини нормулайянлиги++</p>	<p>Имкониятлар 3 та Тусиклар 2 та <b>Q&gt;T</b></p> <hr/> <p>++<b>O</b> 3 та ++<b>T</b> 2 та ++<b>O&gt;++T</b></p>

## МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ ВА ДАСТУРИ

Ушбу бўлимда хўжалик томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиш бўйича харидор ва буюртмачиларни жалб қилишни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилади. Етиштирилган маҳсулотларни сотилишида маркетингни мувафқиятли ташкил этиш учун корхона фойдасига салбий таъсир кўрсатмасдан имкон қадар дисконт нархлар ва чегирмалар таклиф этиш (агар тўлов миқдори юкори булмаса) режалаштирилган. Ундан ташқари Наманган вилояти яқин туманларда турли реклама акциялар ўтказиш ва харидорлар диққатини жалб этиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг асосий сабаби бу ишлар хўжалик фойдаси хисобидан амалга оширилади. Хамкорлик асосида корхонанинг фойдаланилмаётган қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ётади.

Рекламар уюштириш дастурида **5000** дона таркатма материаллар ишлаб чиқиш ва таркатиш ҳам кўзда тутилган бўлиб, булардан ташқари яна 5 000 000 сўм маблағ самарали ва кулай реклама турларига сарфланиши мумкин.

## УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШ МАНБААЛАРИ

№	Технологиялар номи	Сони (дона)	Нархи (минг сумм)	Жами	млн. сўм Шу жумладан	
					Ўз маблаг	Кредит хисобидан
1	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бино ва иншоатларини таъмирлаш ва жихозлаш			6000,0	4000	2000,0
2	Доривор ўсимликларни қайта ишлаш ва қадоклаш ускуналари	10	300,0	3000,0	3000,0	0,0
	<b>ЖАМИ</b>			<b>9000,0</b>	<b>7000,0</b>	<b>2000,0</b>



## В. ИНВЕСТИЦИЯ МАБЛАГЛАРИ ТАЪМИНОТИ

Жадвал № 6

Гаров характериситакси		%	Жами киймати (минг сум)	Гаровга куйилаётган киймат (минг сум)
Мулк тури (транспорт воситалари ва бино иншоатлар)	Мулк эгаси			
Корхона балансидаги нотурар бино ва иншоатлар	Корхона таъсисчилари	100 %	2500 000	2 500 000

## С. КРЕДИТ ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ СУГУРТАЛАШ

Харажатлар номи	Тўлов миқдори	минг сўм
		Жами тўлов миқдори
<b>Д. Инвестицион фаолият олди молиявий харажатлари</b>		
<b>Молиявий харажат тури</b>		<b>%</b>
Руйхатга олиш тулови (нотариус)	0,15%	3750,0
Сугурта мукофоти	0,3 %	7500,0
Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	2	400,0
Кузда тутилмаган бошка харажатлар	0,1%	2500,0
<b>ЖАМИ</b>	<b>X</b>	<b>14150,0</b>

## ЖАДВАЛ № 8. УМУМИНВЕСТИЦИОН ХАРАЖАТЛАР ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААЛАРИ

№	Курсаткичларнинг номланиши	Миллий валюта (минг сум)	Хиссаси (%)
1	Бино ва иншоатларни таъмирлаш ва жихозлаш	5985850	66
2	Ишлаб чиқариш ускуналари ва технологиялари сотиб олиш	3000000	33,0
3	Руйхатга олиш тулови (нотариус)	3750,0	0,4
	Сугурта мукофоти	7500,0	0,8
	Бизнес-режа ишлаб чиқиш харажатлари	400,0	0,02
	Кузда тутилмаган бошка харажатлар	2500,0	0,27
<b>Жами нинг бошлангич киймати</b>		<b>9000000</b>	<b>100 %</b>

**МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ  
ХАЖМИ**

№	Номи	Кунлик хизмат хажми	Ойлик	Йилик
1	Доривор ўсимликлар дамламаси ишлаб чиқариш кг	-	-	20000
2	Гўзаллик салони (киши)	10	260	3120
3	Саргарошхона хизмати (киши)	20	520	6240
4	Дорихона	-	-	-
5	Кутубхона хизмати бепул	-	-	-
6	Фитобар бепул	-	-	-
7	Спорт соғломлаштириш маркази (киши)	40	1040	12 480

**МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН  
ТУШУМ**

минг сўм

№	Номи	Бирлик баҳоси (сўм)	Кунлик хизмат хажми	Ойлик	Йилик
1	Доривор ўсимликлар дамламаси ишлаб чиқариш	50 000	-	-	1000000
2	Гўзаллик салони (киши)	20 000	200,0	5200,0	62400
3	Саргарошхона хизмати (киши)	10 000	200,0	5200,0	62400
4	Дорихона		2000	60 000	720000
5	Кутубхона хизмати бепул	-	-	-	-
6	Фитобар бепул	-	-	-	-
7	Спорт соғломлаштириш маркази (киши)	20 000	800,0	20800	249600
	<b>Жами</b>		<b>3200,0</b>	<b>91200</b>	<b>2 094 400</b>

## МИНЕРАЛ ЎҒИТ ВА МАТЕРИАЛ ЎҒИТЛАР САРФ – ХАРАЖАТЛАРИ

Бир гектар майдонда доривор ўсимликлар етиштириш  
харажатлари таркиби

МИНГ СУМ

№	Хом ашё ва материаллар номи	Ўртача нархи (сўм)	Жами	
			миқ-дори	Сумма
1	Иш ҳақи	100	25	1190,0
2	Маҳаллий ва минерал ўғитлар (кг)	2000		1000,0
3	Ёнилғи мойлаш материаллари (литр)	4500	100	150,0
4	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	6000	50	300,0
5	Техника хизмати	206,2		206,2
6	СФУ харажатлари	61,8		61,8
7	Электр энергия кВт	41,2	158	41,2
8	Уруглик	33000	1650	5000
9	Ер солиғи	220,1		220,1
10	Суғурта харажатлари	99,0		99,0
11	Бошқалар	8,2		8,2
	<b>ЖАМИ</b>			<b>8276,5</b>




## ЖАМИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХАРАЖАТЛАР ТАРКИБИ

МИНГ СУМ

№	Хом ашё ва материаллар номи	Шу жумладан йиллар бўйича							Жами харажатлар
		Доривор дамламалар ишлаб чиқариш	Гўзаллик салони (киши)	Сартарош-хона хизмати (киши)	Дори-хона	Кутубхона хизмати бепул	Фитобар бепул	Спорт соғломлаштириш маркази (киши)	
1	Иш ҳақи	69020	27 600	27 600	13 800	13 800	27 600	3450	<b>182 870</b>
2	Минерал ўғитлар	58000	-	-	-	-	-	-	58000
3	Ёнилғи мойлаш матер.	8700	-	-	-	-	-	-	8700
4	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	17400	-	-	-	-	-	-	17400
5	Техника хизмати	11959,6	-	-	-	-	-	-	11959,6
6	СФУ харажатлари	3584,4	-	-	-	-	-	-	3584,4
7	Электр энергия	2389,6	162,2	182,5	120,0	56,5	65,3	133,4	<b>3109,0</b>
8	Уруғлик кўчати	290000	-	-	-	-	-	-	290000
9	Ер солиғи	12765,8	-	-	-	-	-	-	12765,8
10	Суғурта харажатлари	5742	-	-	-	-	-	-	5742
11	Бошқалар	475,6	-	-	-	-	-	-	475,6
	<b>ЖАМИ</b>	<b>480 037</b>	<b>27 762</b>	<b>27 783</b>	<b>13 920</b>	<b>13 857</b>	<b>27 665</b>	<b>3 583</b>	<b>594 606</b>

**ИШЧИ КУЧИ САРФ ХАРАЖАТЛАРИ**  
**Штатлар жадвали ва йиллик иш хаки фонди**



минг сўм						
№	Штат номи	Штат бирлиги	Ойлик иш хаки	Ижтимоий сугурта ажратмалари	Жами ойлик иш хаки	Жами йиллик иш хаки
<b>Бошқарув персоналии</b>						
1	Раҳбар	1	1000	150	1150	13809
2	Бухгалтер	1	900	135	1035	12420
	<b>Жами</b>	<b>2</b>	<b>1900</b>	<b>285</b>	<b>2185</b>	<b>26229</b>
<b>Асосий ишлаб чиқаришда</b>						
3	Ишчи ходимлар	30	30000	4500	34500	414 000
	<b>Жами</b>	<b>30</b>	<b>30000</b>	<b>4500</b>	<b>34500</b>	<b>414000</b>
<b>Хизмат кўрсатишда ишчилар</b>						
4	Гўзаллик салони (киши)	3	3000	450	3450	41400
5	Сартарошхона хизмати (киши)	2	2000	300	2300	27600
6	Дорихона	2	2000	300	2300	27600
7	Кутубхона хизмати бепул	2	2000	300	2300	27600
5	Фитобар бепул	2	2000	300	2300	27600
	Спорт соғломлаштириш маркази	4	4000	600	4600	55200
	<b>Жами</b>	<b>15</b>	<b>15000</b>	<b>2250</b>	<b>17 250</b>	<b>207 200</b>
	<b>Умумийси</b>	<b>47</b>	<b>46900</b>	<b>7035</b>	<b>53 935</b>	<b>647 429</b>

**АМОРТИЗАЦИЯ АЖРАТМАЛАРИ**

минг сум

№	Амортизация объекти	Асосий воситалар киймати	Амортизация став-каси		<b>Жами</b>
				1 йил	
1	Бино ва иншооталар киймати	6000000	5 %	300 000	300 000
2	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўратиш ускуналари	3000000	10 %	300 000	300 000
	<b>Жами</b>	<b>2 000 000</b>		<b>600 000</b>	<b>600 000</b>

**ЯЛПИ ХАРАЖАТЛАР ХИСОБИ**

**Ялпи махсулот етиштириш харажатлари  
(таннарх калькуляцияси)**

минг сум

№	Харажат турлари	Бир кунда	Бир ойда	Бир йилда
1	Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган материал харажатлар	1905	49551	594 606
2	Транспорт харажатлари	133,4	3468	41 622
3	Амортизация ажратмалари	1923	50 000	600000
	<b>Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш таннархи</b>	<b>3961,4</b>	<b>102 996</b>	<b>1 235 956</b>



## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ХИСОБ-КИТОБИ

### Жадвал № 29. Даромадлар ҳисоби

минг сўм

№	Номланиши	1 кунда	1 ойда	12 ойда
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдан жами тушум	6713	174 533	2 094 400
2	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш таннарҳи	3961,4	102 996	1 235 956
<b>3</b>	<b>Ялпи даромад</b>	<b>2751,6</b>	<b>71 537</b>	<b>858 444</b>
4	Солиқ тўловлари 12%	330,1	8584,4	103 013
5	Банк хизмати туловлари (0,2 фоиз тушумдан)	13,4	349	4188,8
<b>7</b>	<b>Соф фойда</b>	<b>2408</b>	<b>62 610,6</b>	<b>751 242</b>
	<b>Рентабеллик %</b>			<b>60,7</b>

## ПУЛ ОКИМИ ВА ДИСКОНТЛАНГАН ПУЛ ОКИМИ

### Жадвал № 30 Пул маблағлари ҳаракати

минг сўм

№	КЎРСАТГИЧЛАР	Шу жумладан йиллар бўйича		
		1 кунда	1 ойда	12 ойда
<b>I</b>	<b>Ҳисоб раками кредит айланмаси</b>	6713	174 533	2 094 400
<b>II</b>	<b>Ҳисоб раками дебет айланмаси</b>			
1	Иш ҳақи	586,1	15239,2	<b>182 870</b>
2	Минерал ўғитлар	185,9	4833,3	58000
3	Ёнилғи мойлаш матер.	27,9	725,0	8700
4	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	55,8	1450,0	17400
5	Техника хизмати	38,3	996,6	11959,6
6	СФУ харажатлари	11,5	298,7	3584,4
7	Электр энергия	10,0	259,1	<b>3109,0</b>
8	Уруғлик кўчати	929,5	24166,7	290000
9	Ер солиғи	40,9	1063,8	12765,8
10	Суғурта харажатлари	18,4	478,5	5742
11	Бошқалар	1,5	39,6	475,6
12	Амортизация ажратмалари	1923	50 000	600000
13	Транспорт хизматлари учун	133,4	3468	41 622
14	Солиқ тўловлари -12%	330,1	8584,4	103 013
15	Банк хизматлари учун	13,4	349	4188,8

---

## ХУЛОСА

---

Даромадлилик ва самарадорлик таҳлили шуни кўрсатмоқдаги лойиҳа рентабеллик даражаси ялпи ҳисобда 60,7 % ни ташкил қилмоқда. Шу ўринда ялпи харажатларга нисбатан соф рентабеллик ўрта ҳисобда 52,7 % ни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари лойиҳанинг реал қопланиш муддати ялпи фойда ҳисобидан 12 ойни ташкил қилади. Реал қопланиш муддатининг лойиҳа давомийлик давридан камлиги нинг молиявий–иктисодий жозибадорлигидан хабар бериб турибди.

Таъкидлаб ўтилганидек юқори фойда нормалари лойиҳанинг барча турдаги инкирозлар ва рискларга чидамли эканлигини кўрсатмоқда. Ундан ташқари лойиҳанинг дастлабки даврида **47 тага яқин** иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, кейинчалик янги иш ўринлари сони **50 та** ортиқ кўпайтирилади. Лойиҳа даврида олиниши мумкин бўлган **751 242 минг сўм** фойда корхона мақсадлари ва режаларини тўла амалга оширишга ва даромадни соҳани кенгайтириш ва бошқа фаолият турларини жорий этишга инвестиция қилиш имконини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги маълумотларни ҳисобга олиб лойиҳа тижорий самарадор ва барқарор деб баҳоланади ва жалб килинган маблағларини ўз вақтида қайтарилиши ва мўлжалланган мақсадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга қодирлиги билан бу соҳага инвестиция киритиш лозимлигини кўрсатиб турибди.

Бу турдаги хизмат кўрсатиш фаолиятини жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бериб, тадбиркорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Барча келтирилган маълумотлар ва ҳисоб–китобларни ўрганиб чиқиб ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун **9000,0 млн. сўм** миқдорида инвестиция киритишга қарор қилинди ва бу инвестицияни мақсадли сарфланиши бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

**Хусусий корхона раҳбари**

**М.Ибрагимов**

## Фойдаланилган адабиётлар

---

1. *Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Қонуни*
- 2.